



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 22 декабрь, № 273 (8053)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



КАДАСТР СОҲАСИДАГИ ИШЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 21 декабрь куни ер ҳисоби ва давлат кадастрларини шакллантириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда ерни асраб-авайлаш, адолатли ажратиш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича тизимли ишлар қилинмоқда. Жорий йилда қишлоқ ерларини очик танлов асосида ажратиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган жойларни аукцион орқали хусусийлаштириш тўғрисида қонун қабул қилинди.

2020 йил 7 сентябрда “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент Фармони имзоланган эди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида Кадастр агентлиги ташкил этилди. Фармонда кўплаб янгиликлар қатори, давлат кадастрлари объектларини хатлов-

дан ўтказиш ва Миллий геоахборот тизимига киритиш вазифаси ҳам белгиланганди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон тарихида илк бор қишлоқ хўжалиги ерлари ялпи хатловдан ўтказилмоқда. Бугунги кунгача 23 миллион гектар қишлоқ ерларининг электрон хариталари яратилди. Шундан 22 миллион гектари давлат рўyxатидан ўтказилди.

Илгари ҳисобга олинмаган 412 мингта кўчмас мулк кадастр базасига киритилди, 478 мингта объектда кўшимча қурилмалар аниқланиб, кадастр баҳоси қайта кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, хатловда кўплаб хатоликлар ҳам юзага чиқмоқда. Мисол учун, электрон ҳисоб-

га олинаётган қишлоқ хўжалиги ерлари қоғозда юрийтиб келинган Ер фонди ҳисоботи билан фарқ қилмоқда.

Бундан ташқари, йўл, электр, газ таъминоти, сув хўжалиги, ободонлаштириш объектлари, кўп қаватли уйларга туташ ҳудудлар кадастрида ҳам кўплаб муаммолар мавжуд. Булар қилинадиган ишлар ҳали кўплигини кўрсатади.

Шу боис йиғилишда галдаги муҳим вазифалар белгиланди.

Аввало, қишлоқ хўжалиги ерларини ҳисобга олиш ишларини келгуси йил 1 апрелгача яқунлаш муҳимлиги таъкидланди. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги ер балансидаги 2 миллион 700 минг гектар майдоннинг тоифасини аниқлаш зарур.

Келгуси йилда аҳолига ижарага бериладиган 80 минг гектар ерни давлат рўyxатидан ўтказиб, кейин танловга чиқариш вазифаси қўйилди.

Ҳудудларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ҳам кўпки, улардан ҳам самарали фойдаланиш зарур. Масалан, ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тасарруфида 10 миллион гектардан зиёд, сув хўжалиги вазирлиги тизимида 820 минг гектар, автомобиль йўллари атрофида 450 минг гектар ер бор. Шунингдек, 3 миллион 300 минг гектар ер ҳокимликлар заҳирасида турибди.

Давлатимиз раҳбари бу ерларнинг электрон харитасини тузиш ва давлат мулки сифатида рўyxатдан ўтказиш кераклигини таъкидлади.

Ички йўллар ва кўп қаватли уйларга туташ ҳудудларни доимий фойдаланишга ажратиш имконлиги қайд этилди.

Яна бир муаммо — ер балансида аҳоли яшаш майдонлари 223 минг гектар бўлса-да, амалда 1 миллион гектардан ошиб кетган. Шу боис бундай кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказиб, унинг натижаси бўйича электрон харита тузиш ҳамда аҳоли учун очик онлайн платформага жойлаштириш вазифаси қўйилди.

Кадастр идораларининг шароитларини яхшилаш, ускуналарини янгилаш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Ў.А.

ЕР РЕСУРСЛАРИ — РИЗҚ-РЎЗИМИЗ МАНБАИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишда долзарб масалалардан бири — ер ҳисоби ва давлат кадастрларини шакллантириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш масалалари муҳокама этилди. Унда мутасадди вазирлик ва ташкилотларга, ҳудудлар раҳбарларига бир қатор топшириқлар берилди.

Акс садо

Фазлиддин УМАРОВ,
Кадастр агентлиги директори:

— Давлат раҳбаримиз ҳузурида кадастр соҳасида амалга оширилган ислохотлардан сўнг бир йил давомида қилинган ишлар сарҳисоби бўйича ҳисобот берилди. Кадастр агентлиги ташкил қилингандан сўнг бизга энг муҳим топшириқ — Ўзбекистон ерининг

аниқ ҳисоб-китобини олиб бориш вазифаси берилган эди. Бу борада ўтган давр мобайнида алоҳида электрон платформа ишга туширилганини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон тарихида илк бор қишлоқ хўжалиги ерларини электрон равишда давлат рўyxатидан ўтказиш тизими жорий қилинди. Ўтган давр мобайнида 23 миллион гектар ернинг электрон хариталари яратилиб, улардан 22 миллион гектари эгаларига кадастр ҳужжатлари расмийлаштириб берилди. Бу нима беради? Бу,

аввало, давлатда ҳисоб, ер эгаларида расмий кадастр ҳужжати бўлади ва уларнинг ҳуқуқлари кафолатланади, дегани. Ер ҳисобини юритиш бўйича давлат раҳбаримизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида берган топширигига асосан, вилоятда 2 миллион 800 гектар ер майдони тўлиқ хатловдан ўтказилиб, бино-иншоотлар ҳам ўрганиб чиқилган эди. Мана шу ўрганиш жараёнида кўрдики, соҳага рақамлаштиришни жорий қилмасдан туриб ернинг ҳисобини юритиш имкони йўқ экан. Бу борада соҳага жалб қилинган Жаҳон банки лойиҳаси доирасида дастурий махсулларни қайта кўриб чиқдик ва ушбу дастурий махсуллар ёрдамида алоҳида тизим тишқил қилиб, ерларни хатловдан ўтказишнинг электрон тизимини йўлга қўйдик.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ернинг 50 фоизи рақамлаштирилиб, электрон хариталари қилинган ҳолда геопорталга жойлаштирилди. Йиғилишда бу борадаги ишларни жалдлаштириш бўйича масъул вазирлик ва идораларга аниқ вазифалар белгилаб берилди. Бунда, биринчидан, ўрмон фонди ерларини ваколатли вазирлик билан биргаликда келгуси йил биринчи ярим йилликда 10 миллион гектардан ортиқ ер майдонларининг аниқ чегараларини белгилаб, уларни давлат рўyxатидан ўтказишимиз ҳақида топшириқлар олдик.

Бундан ташқари, автомобиль йўллари, темир йўллари, сув ҳавзалари, уларнинг майдонлари, химоя зоналари бўйича ҳам янги тизим жорий қилинади.



Ҳамкорлик

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХОРИЖДАГИ ЭЛЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида мамлакатимизнинг хориждаги дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори Акмал Саидов, Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Фарҳод Арзиев сўзга чиқди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзолиги доирасида жорий йилда амалга оширилган ишлар, мамлакатимизнинг халқаро мажбуриятларидан келиб чиқадиган вазифалар ижроси муҳокама қилинди. Шунингдек, кириб келаётган 2022 йилда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилиши режалаштирил-

ган халқаро аҳамиятга молик тадбирлар ҳақида сўз юритилди. Янги Ўзбекистон нуфузли халқаро ташкилотларнинг олий даражадаги минбарларидан демократик ислохотлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасида қатор тақлиф ва ташаббуслар билан майдонга чиқмоқда.



Биз ва жаҳон

CNN: АНЪАНАВИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ УЙЎНЛИК ТОШКЕНТИИ СЕРҚАТНОВ САЙЁҲЛИК МАСКАНИГА АЙЛАНТИРМОҚДА

АҚШнинг CNN ахборот хизмати веб-сайтида шу йил ноябрь-декабрь ойларида “The Generation Next” телелойиҳасини суратга олиш ишларини ўтказиш учун Ўзбекистонда бўлган телекомпания катта продюсери Том Бушье-Хейснинг мақоласи эълон қилинди.

Унда Ўзбекистон сўнгги йилларда иқтисодий ўсишни бошдан кечириётгани, ўз иқтисодиётини диверсификация қилаётгани ва Тошкент Фарбдан келган сайёҳлар учун тез орада яна бир машҳур масканга айланиши мумкинлиги таъкидланган.

“Ўзбекистонга ташриф бу-

юрувчиларнинг аксарияти, одатда, Тошкентга эътибор бермасдан, Хитой ва Ҳиндистондан Ўрта Ер денгизигача қўзилган қадимий савдо йўли — Ипак йўлининг бир қисми бўлган машҳур Самарқанд ва Бухоро каби қадимий шаҳарларга саёҳат қилишга ошиқади.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЕТАКЧИ АЁЛЛАРИ МУЛОҚОТИДАГИ РАИСЛИГИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Кеча пойтахтимизда “Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизлиқни таъминлашда хотин-қизларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги БМТнинг 1325-сонли резолюциясини амалга ошириш” мавзусидаги минтақавий форум доирасида Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқотининг йиллик йиғилиши бўлиб ўтди.

Форум

Жорий йилда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, келгусидаги долзарб йўналишлар ва институционал ривожланиш истиқболларини кўриб чиқиш, шунингдек, дунёнинг бошқа минтақаларидаги етакчи аёлларнинг шу каби уюшмалари билан изчил ҳамкорликни ўрнатиш мақсадида



ўтказилган мазкур тадбир Олий Мажлис Сенати томонидан БМТ Тараққиёт дасту-

ри, БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази

ва “БМТ-Аёллар” ташкилоти кўмагида ташкил этилди.



УЧ ҲАЛҚА:

ТАЪЛИМ — ИЛМ-ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ ВА ФОРСАЙТ ТЕХНОЛОГИЯСИНING ИЖОБИЙ ЖИҲАТЛАРИ



ЮНЕСКОнинг “2015 йилдан кейинги таълим тўғрисида”ги концепциясида 2030 йилга қадар ҳамма учун тенг ҳуқуқли, сифатли ва умрбод таълим олишнинг муҳим мақсадлари белгилаб берилди. Ушбу мақсадларга эришиш учун рақамли технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда турли даража ва шароитларда таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, чуқур назарий, амалий билимларни етказиш, шунингдек, иқтидорли ёшларни излаб топиш, инклюзив таълимнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш ва уларни ривожлантириш орқали инсонлар ҳаётига ижобий таъсир кўрсатиши таъкидланади.

Нуқтаи назар

Ҳужжатга кўра бугунги инновацион иқтисодиётлар учун билим, кўникма ва тажрибалар, таълимнинг юқори даражалари, жумладан, ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) бўйича билим ва кўникмаларни эгаллаш долзарб вазифа сифатида қаралади. Шунингдек, ривожланаётган ва кам даромадли мамлакатларда маълумотлар алмашинуvinнинг суствлиги, АКТ соҳаси етарли ривожланмагани сабабли кўплаб масалалар ҳалигача очик қолмоқда.

Мазкур ҳужжатда 2015 йилдан кейинги йилларда таълимнинг энг

муҳим шартларидан бири: мослашувчан умрбод таълим олиш имкониятлари расмий, норасмий йўналишлар, жумладан, янги маданиятлар яратиш учун рақамли технологиялар салоҳиятидан фойдаланиш орқали таъминланиши кераклиги белгиланган.

Сифатли таълим қашшоқлиқни енгиллаштириш, соғлиқни сақлаш ва аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, ҳаёт фаровонлигини ошириш, инклюзив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш, барқарор ва тинч жамиятларни шакллантиришнинг асоси ҳисобланади.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ СИЁСІЙ НУФУЗИ ЙІЛ САЙИН ОШИБ БОРМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев Сеул шаҳрида Корея Республикасининг етакчи компаниялари ва молиявий тузилмалари раҳбарлари билан учрашув ўтказди. Бу анжуманда мен ҳам қатнашдим ва бу менда жуда катта таассурот қолдирди. Яна бир бор амин бўлдимки, Ўзбекистон Президентини, ҳақиқатан ҳам, мамлакат раънақи, чет эллик инвесторларнинг тадбиркорлик билан шу-

Чои Мун Кыо, «Hanshin Engineering & Construction» компанияси президенти:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Жанубий Кореяга давлат ташрифи ва Президент Мун Чжэ Ин билан учрашуви мамлакатларини ўртасидаги сиёсий мулоқот, иқтисодий алоқалар ва юқори технологияли sanoat ҳамкорлигини ривожлантиришда икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Корея Республикаси Президентлари ўртасидаги шахсий дўстлик муносабатлари ўзаро манфаатдорлик ва алоҳида стратегик шерикликка асосланган юқори даражадаги давлатлараро мулоқотни таъминламақда.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги сиёсий нуфузи йил сайин ошиб бормоқда. Умид қиламизки, яқин йилларда республика ишончли равишда дунёнинг ривожланган ва рақобатбардор давлатларидан бирига айланди.

Бизнинг “Hanshin Engineering & Construction Co., Ltd” компаниямиз 2020 йилдан буён ўзбекистонлик шериклар билан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича фаол музокаралар олиб бормоқда.

Масалан, Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида маҳаллий аҳолининг юқори турмуш даражасини таъминлаш учун барча зарур инфраструктурага



Чои Мун Кыо, «Hanshin Engineering & Construction» компанияси президенти

буга тураржой мажмуасини энга этмоқда. Мазкур лойиҳага ажратилган тўғридан-тўғри инвестициялар миқдори 250 миллион долларни ташкил қилади. Натижада Корея Республикаси андозаларига мос равишда 5 минг оилага мўлжалланган замонавий тураржой мажмуаси, мактаб ва болалар bog'часи, савдо иншоотлари ва яшил ҳудудлар барпо этилади.

Жорий йилнинг сентябрь ойида ушбу мажмуанинг тақдирини ўтказдик. Ҳозирги кунда қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётган ва лойиҳа бўйича барча ишлар 2025 йилда аяқланиши режалаштирилган.

“Hanshin Park City” деб номланган келажак мажмуаси кўп қаватли уй-жой ва ижтимоий инфратузилмани ўз ичига олган замонавий лойиҳадир. Ушбу мажмуа Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги дўстлик раъмизига айланишига ишонамиз.

«Дунё» АА.
Сеул

ЕР РЕСУРСЛАРИ — РИЗҚ-РЎЗИМИЗ МАНБАИ

Унга кўра эндиликда, масалан, автомобиль йўллари километрда эмас гектарда, яъни атрофдаги муҳофаза ҳудудлари билан биргаликда чегаралари аниқ белгилаб уларга тегишли қарор билан бириктириб берилди. Мана шу қарор асосида барча чегаралари аниқ белгилангандан сўнг давлат кадастр идоралари яратилган янги тизимда электрон шаклда давлат рўйхатидан ўтказилади ва бу бизнинг порталимиздан ҳў олиди.

Жамшид Хўжаев, қишлоқ хўжалиги вазири:
— Қишлоқ хўжалиги ерларини ҳисобга олиш, уларни рақамлаштириш қишлоқ хўжалиги соҳасига иккита энг асосий томондан ёрдам бўлади. Биринчиси — бу қишлоқ хўжалиги ерларига озиқ-овқат маҳсулотларини жойлаштириш масаласида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, балансини олиш, қайси қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қанча екилишини режалаштиришимизда еримизнинг аниқ ҳисобини оламиз.

Иккинчиси, фермер ва деҳқон хўжалиқлари, умуман, қишлоқ хўжалиги субъектларига кадастр ҳужжатлари қилиб берилиши уларнинг келажакдаги ердан фойдаланиш муносабатлари, унга инвестиция қилишда жуда катта ишонч бўлади. Геопортални яратиб, унда рақамлашти-

ришни энди бемалол қўллашимиз мумкин.

Президентимиз томонидан топшириқ шундай бўлдики, кадастр агентлиги билан биргаликда 1 апрелгача ер турини аниқлаш ва унинг ҳисоб-китобидан келиб чиққан ҳолда, ер структурасини аниқлаб порталга жойлаштириш. Чунки рақамлаштириш натижасида 800 минг гектар ернинг аниқ-ҳисоб китоби чиқмапти. Яъни эски қороздаги маълумотлар билан ҳозирги рақамлаштириш орқали олинган маълумотларга қараганда жуда кўп қишлоқ хўжалиги ерлариде бошқа қурилмалар барпо этилган. Бу, албатта, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда бошқача ёндашувлар, ҳисоб-китоби рақамлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширишга ундади.

Моҳир ВАЛИЕВ, Давлат кадастрлар палатаси раиси:

Бугунги йилгилишда ер ҳисобини юритишда қатъий топшириқлар бўлди. Хусусан, ҳокимларга кадастр органлари билан биргаликда ерни қатъий хатловдан ўтказиш ва электрон хариталар орқали юритишни таъминлаш вазифаси юклатилди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари жорий йил Андижон

вилоятига ташрифларида кўп йиллардан бери аҳолини қўйиб келаятган кадастр ҳужжатлари йўқ уй-жойларни Асака ва Шахрихон мисолида хатловдан ўтказиш топширигини берган эди. Сентябрь ойидан бошлаб солиқ ва кадастр органлари масъул ходимлари хатлов ишларини олиб борди ва декабрь ойида бу ишлар аяқланди. Асака ва Шахрихонда бир неча ўн йиллардан буён яшаб келаятган 113 мингдан ортиқ аҳолининг 74 минг нафари ёки 80 фоиздан ортининг уй-жойлари кадастр ҳужжатлари йўқлиги маълум бўлди. Бу ўринда 15 йилдан ортиқ яшаб келган ва солиқ тўловларини ўзи вақтида тўлаганларга кадастр ҳужжатлари берилиши белгиланди. Ҳозирги кунда 17 минг нафарга яқин аҳолига вилоят депутатлар кенгашининг қарорлари чиқиб, улар кадастр ҳужжатларини олиши белгиланди. Йилгилишда давлатимиз раҳбаридан Асака ва Шахрихон мисолидаги ишлар натижасини республика миқёсида индидуал маҳаллалар кесимида ёндашиб кенг жорий этиш, шунингдек, барча ҳудудларда шундай хатловларни ўтказиш ва уй-жойларнинг ҳам ҳисобини юритиш бўйича тегишли топшириқларни олди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЕТАКЧИ АЁЛЛАРИ МУЛОҚОТИДАГИ РАИСЛИГИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Тадбирда Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти аёзлари, минтақа парламентлари ва ҳукуматлари вакиллари, БМТ Тараққиёт дастури, БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ва “БМТ-Аёллар” ташкилоти раҳбарлари, “Раъедат” — Араб аёллари тенглик учун парламентарийлар тармоғи ва Африка етакчи аёллари бирлашмаси вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти минтақадаги хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ролини ошириш, барқарор ривожланиш билан bog'лиқ қарорларни қабул қилиш жараёнидаги иштирокини кенгайтириш мақсадида норасмий минтақавий платформа сифатида ташкил этилган бўлиб, ўтган даврда ушбу тузилма олдиға қўйилган вазифаларни юқори даражада адо этиб келмоқда.

Пировардида ушбу тузилма гендер тенглиги ва барқарор ривожланишни рағбатлантириш ҳамда минтақа аёллари ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва амалий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш тарафдори бўлган хотин-қизларнинг муҳим норасмий коалицияси эканлигини тўлиқ исботлади.

Мулоқот йўлга қўйилганидан буён қатор учрашувлар ўтказилиб, гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга оид қатор долзарб масалалар, шунингдек, бу борадаги минтақавий ҳамкорлик истиқболлари муҳоама қилинди.

Ўзбекистон Мулоқотда раислиги давомида уни минтақадаги аёллар ўртасида хар томонлама ҳамкорлиқни ривожлантиришга доир самарали маслаҳатлашув майдонига айлантириш учун зарур бўлган барча сазй-ҳаракатларни амалга оширди.

Тадбир давомида Ўзбекистоннинг Мулоқотда раислигининг

биринчи йили якуни муҳоама қилиниб, минтақавий етакчи аёллар бирлашмалари аёллар иштироки ва етакчилигини кенгайтириш борасидаги тажрибаси кўриб чиқилди ҳамда тузилма 2022 йилдаги ўстувор вазифалари белгилан олди.

Эътироф этилганидек, Ўзбекистоннинг Мулоқотда раислиги давомида 10 дан ортиқ тадбирлар ўтказилиб, 8 та якуний ҳужжат қабул қилинган. Ана шу ҳужжатлар асосида минтақа аёлларининг давлат бошқаруви, превентив дипломатия, атроф-муҳитни муҳофазалаш, тадбиркорлик, маданият, таълим, фан, санъат, гендер тенглиги ва умуман, барқарор ривожланиш доирасидаги ўзаро ҳамкорлигини кўчатириш бўйича муҳим чора-тадбирлар қўрилди.

Шулардан келиб чиқиб, тадбирда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқотидаги раислиги юқори баҳоланди.

Иштирокчилар томонидан

халқаро ҳамкорларнинг биргаликдаги сазй-ҳаракати ва амалий кўмаги Мулоқотни гендер тенгликни таъминлаш бўйича илгор тажриба алмашиш учун платформа сифатида шакллантиришга хизмат қилганлиги ҳам алоҳида айтиб ўтилди.

Умуман, жорий йилда Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти сазй-ҳаракати билан барқарор ривожланиш, минтақада тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш мақсадида хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда янада фаоллик кўрсатишлари учун мустаҳкам замин яратилди.

Шунингдек, тадбирда мавзу билан bog'лиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати маълумотлари асосида Зокир ХУДОЙСИҚУРОВ тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХОРИЖДАГИ ЭЛЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ



Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги махсус резолюциясини қабул қилиш, Самарқанд шаҳрида мунтазам ўтказилаётган Инсон ҳуқуқлари мулоқотлари доирасида Глобал таълим форумини уюштириш, БМТнинг янги экологик сиёсати асосларини ташкил этишга қаратилган Бутунжаҳон экология Хартиясини ишлаб чиқиш долзарб масалалар доирасида изчил иш олиб борилаётган.

Шунингдек, ёшлар масаласида самарали ҳамкорлиқни йўлга қўйиш мақсадида доимий фаолият юритадиган Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ёшлари кенгашини тузиш, Ўзбекистонда Марказий Осиё ёшлари форумини ўтказиш, Икмонияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўйбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузиш, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачисини институтини тасвир этиш, Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш, Осиё қитъасининг инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий механизмизини яратиш бўйича ҳам мақсадли ишлар бошлаб юборилган.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон

тонда инсон ҳуқуқларини ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти ҳамда бу борадаги салмоқли ютуқлар билан хорижий мамлакатлар жамоатчилигини мунтазам таништириб бориш мавзусига эътибор қаратилди. Янги Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги сиёсатини ўзига хос минтақавий ва халқаро модель сифатида талқин ҳамда тарғиб этишда мамлакатимиз элчи-хоналарининг ўрни муҳим экани алоҳида таъкидланди.

Учрашув якунида мамлакатимиз элчиларининг Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги алоқаларини ривожлантириш йўлида самарали ва фаол ҳамкорлиги эътироф этилди.

Ўз навбатида, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ томонидан мамлакатимизнинг АКШ, Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Малайзия, Польша, Россияда элчи-хоналари, Женева шаҳридаги БМТ бўлинимаси ва ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхонаси раҳбарлари-га ташаккурномалар топширилди.

«Дунё» АА.

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ДАХЛДОР ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ ВА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР – ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА

Қизғин муҳоама қилинган қонун лойиҳаси алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, у билан алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, тамаки ҳамда никотин истеъмол қилиш учун мосламаларни реализация қилишга доир чекловлар кенгайтирилмоқда.

Қонун лойиҳасига “Алкоголь маҳсулотларининг рекламаси”, “Тамаки маҳсулотлари тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг рекламаси” ҳамда “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган кўпикланидиган ва табиий виноларнинг рекламаси”га доир моддалар киритилмоқда.

Қизғин давом этган муҳокамалардан сўнг депутатлар томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар ушбу ҳужжатда ўз аксини топгани инобатга олинган ҳолда қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Кўрсатмаларни бажармаслик учун жавобгарлик белгиланади

Мажлисида, шунингдек, депутатлар “Моддий маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши кўчатирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан Маданий мерос агентлигининг бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларини бажармаслик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Дастлаб у Ўзбекистон Республикаси Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 197-моддасида акс эттирилиши таклиф этилган эди. Аммо мазкур кодекснинг 197-моддаси мансабдор шахсининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва унинг талабларини бажармаслик билан bog'лиқ масалани ўз ичига олган боис юқорида таклиф этилаётган моддага мазмунан мувофиқ келмайди. Кодекснинг 198-моддаси ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилишни назарда тутгани

боис юқорида таклиф этилаётган тартирни 198-модда сифатида киритиш белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши юртимиздаги моддий маданий мерос объектлари, Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган объектлар ва ҳудудларни муҳофаза қилиш, уларнинг ноёблигини сақлаб қолиш, келажак авлодга етказишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди.

Ортиқча пул маблағлари сарфлашишга чек қўйилади

“Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳоама қилинди.

Мазкур ҳужжат Қонунчилик палатасининг шу йил 14 декабрь куни бўлиб ўтган мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинган эди. Уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ишчи гуруҳи томонидан бир қатор тадбирлар ўтказилиб, депутатлар томонидан берилган таклифлар асосида лойиҳа тақомилга етказилиб, пишиқ-пукта ҳолатга келтирилди.

Хусусан, Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 224-моддаси 3 ва 4-қисмлар билан тўлдирилаётгани сабабли Кодекснинг 291-моддаси биринчи қисми “е” бандидаги ҳамда 305-моддаси учинчи қисмидаги “224-моддаси” сўзлари “224-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида” деган сўзлар билан алмаштирилди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик қўмитасининг Давлат чегараларини ҳумоя қилишга кўмитаси ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик қўмитасининг Чегара қўшинлари деб юритилаётгани туфайли Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 346-моддасига тегишли ўзгартиш киритилди.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши орқали фуқароларнинг ортиқча пул маблағи сарфлашишга, уларнинг оворакорчиликларига чек қўйилди. Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди.

Давлат қарзи тўғрисидаги маълумотларнинг очиклиги таъминланганидими?

“Давлат қарзи тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда қизғин кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан давлат қарзи суммасининг ЯИМга нисбатан энг юқори миқдори 60 фоиздан ошмаслиги, давлат қарзи ҳисобидан фақат ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш мумкинлиги назарда тутилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентини, Олий Мажлис палаталари, Ҳисоб палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк ва Молия вазирлигининг давлат қарзини бошқариш соҳасидаги ваколатлари белгиланмоқда.

Хусусан, давлат қарзини бошқаришда парламент ролини ошириш мақсадида Олий Мажлис палаталарига давлат қарзининг чекланган ҳажмини белгиллаш, давлат қарзини бошқариш стратегияси ижросини кўриб чиқиш ҳамда жалб қилинган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш ваколатлари берилаётган.

Мажлисида қайд этилганидек, қонун лойиҳаси билан давлат қарзини бошқариш тизимининг яхлитлигини таъминлаш мақсадида Молия вазирлиги давлат қарзини бошқариш, шу жумладан, давлат қарзини жалб қилиш бўйича ваколатли орган этиб белгиланмоқда. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 3 йил муддатга давлат қарзини бошқариш стратегияси тасдиқланиши қўзда тутилмоқда.

Депутатларнинг қайд этишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан давлат қарзини бошқариш жараёни фрагментациялашувининг олди олинади, давлат қарзини барқарор даражада сақлашга, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Экспертиза хулосаларининг ишончилиги ошади

“Суд экспертизаси тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг ай-

рим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Таклиф этилаётган ҳужжат билан “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонун бир қатор янги моддалар билан тўлдирилмоқда. Хусусан, 12-моддада “нодавлат суд-экспертиза ташкилотини” тушунчаси, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳамда фаолиятига қўйиладиган мажбурий талаблар, нодавлат суд-экспертиза ташкилотини штат бирлиги ва раҳбарига доир шартлар белгилаб қўйилмоқда.

Шунингдек, давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан амалга оширилган суд экспертизаси хулосаси бўйича қўшимча ва қайта суд экспертизаси, жумладан, комиссиявий ва комплекс суд экспертизалари нодавлат суд-экспертиза ташкилотини томонидан ўтказилиши мумкинлиги мустақамлаб қўйилган.

Халқ вакиллари қонун лойиҳасининг қабул қилиниши орқали нодавлат суд-экспертиза институтини фаолиятини ташкил этиш, тартибга солиш ва мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилиши, экспертиза хулосаларининг янада ишончилиги ошишини инобатга олиб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Депутатлар Бош вазир ўринбосарининг жавобидан қониқдимми?

Мажлисида депутатлар “Республика ҳудудларида маданият марказлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги масала юзасида юборилган Қонунчилик палатасининг парламент сўровига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари А. Абдуҳакимовнинг жавобини кўриб чиқди.

Бош вазир ўринбосари жавобида қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда моддий ва номоддий маданий мерос дурдоналарини сақлаш, маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳа вакиллари-ни қўллаб-қувватлаш, миллий маданиятни янада ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда 826 та маданият маркази фаолият юритиб келмоқда. Улар томонидан 2019 — 2021 йиллар давомида 9 минг 624 та маданий-маърифий тадбир, 17 минг 580 та концерт-томоша дастури намойиш этилди. Шунингдек, маданият марказларида 4 минг 522 та тўга-

рак ташкил этилиб, уларда 53 мингга яқин аҳоли (шундан 37 минг 340 нафари ёшлар) қамраб олинди.

Эътиборли жиҳати, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Обод марказ”, туман (шаҳар)ларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 51 та маданий маркази тўлиқ таъмирланиб, моддий-техника базаси мустаҳкамланди.

Шу билан бирга, Маданият вазирлиги томонидан жорий йилнинг февраль ойида ҳудудлардаги маданият ва санъат муассасалари бино-иншоотлари тўлиқ хатловдан ўтказилди. Ўзига хос дизайн ва қўринишга, барча зарур қўлайликларга, инновацион технологияларни қўллаш ҳолда аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш имкониятини бериш маданият марказларини қуриш мақсадида 2022-2023 йилларда Инвестиция дастурлари доирасида Тошкент вилояти мисолида 7 та маданий маркази учун Hi-tech услубидаги ихчам маданият марказларини қуриш ва жиҳозлаш ишларини ташкил этиш режалаштирилган.

Натижада 2022 — 2026 йиллар давомида 826 та маданият марказида таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилиб, улардаги тўғрақлар сонини 8 минг 500 тага қўлади, тўғрақларга 100 мингдан зиёд аҳоли қамраб олинади.

Мажлисида Бош вазир ўринбосари А. Абдуҳакимовнинг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалиги вазирининг ахбороти эшитилди

Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар Қишлоқ хўжалиги вазири Ж. Хўжаевнинг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясининг бажарилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахборотини эшитди.

Мажлисида таъкидланганидек, Стратегияда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида республика бўйича 3 миллион 148 минг гектарга қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштирилди. Шунингдек, фойдаланишдан чиққан ва янги ерларни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойлаштириш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда республика бўйича жами 218 минг гектар, шундан 95,3 минг гектар ер қайта, 102,8 минг гектар ер ости захира сувлари, 15,4 минг гектар лалми-яйлов ерларига сув талаб қилмайдиган экин-

ларни жойлаштириш ҳисобидан ҳамда 5 минг гектар ўрмон фонди ерлари фой

Сенат кўмиталарида

МУДОФАА ТИЗИМИДАГИ ИШЛАР ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Кеча Қуролли Кучлар Академиясида Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ахбороти эшитилди. Шунингдек, кўмита аъзолари томонидан шу йил декабрь ойида “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуннинг контракт бўйича ҳарбий хизматни ташкил этиш ва ўташга оид қисмининг Хоразм вилоятидаги ҳарбий қисмлар ва мудофаа ишлари бошқармасида ижро этилиши юзасидан олиб борилган ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Мудофаа вазири ўринбосари Х. Каршиевнинг мамлакатимиз Қуролли Кучлари ва ҳарбий қурилишлари ривожлантириш ҳамда ҳарбий хизматни ўташ ва ҳарбий хавфсизлиқни таъминлаш бўйича 2021 йилнинг 11 ойи давомида бажарилган ишлар ҳолати ҳақидаги ахборотида келтирилишича, Қуролли Кучларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида “2030 йилгача Рақамли автоматлаштирилган тизимлар базасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ягона бошқаруви тизимини қуриш ва ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”-

ги Президент қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Жанговар тайёргарлик машғулотлари-ни сифати ўтказиш ва муносиб хизмат шaroитларини яратиш мақсадида 20 та полигон янгидан қурилган ва замонавий ўқув-моддий база билан жиҳозланган.

Бундан ташқари, ҳар йили такрорлан-б ўтказиладиган машғулотларга чек қўйилиб, ҳафтанинг кетма-кет 4 кунли факат жанговар тайёргарликка қаратил-ган ҳамда амалий машғулотлар сифа-ти ва сони оширилган.

Ҳисобот даврида НАТО армияси таж-рибаси асосида 6 та полигонда 45 км. мажмуавий йўлаклар қурилган. Мазкур

комплексларда разведка, махсус ва де-сант бўлинмалари барча шахсий тар-киби оғир жисмоний ва психологик бо-симли мураккаб синовдан ўтказилган.

2021 йилда Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасалари фаолия-тини янада такомиллаштириш ва кадр-лар тайёрлаш тизимини янги босқичга кўтариш мақсадида қатор ишлар амал-га оширилди. Хусусан, Қуролли Кучлар Академияси халқаро стандартларга мос равишда такомиллаштирилди.

“Темурбеклар мактаби”да таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниши на-тижасида битирувчиларнинг олий ва олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиниши сўнгги 5 йилда 17 фо-издан 98 фоизга кўтарилди. Айни чо-гда 300 нафарга ақин ҳарбий хизматчи-лар Россия, АҚШ, Туркия, Германия, Хитой, Покистон, Ҳиндистон, Беларусь, Италия, Буюк Британия, Жанубий Корея олий ҳарбий таълим муассасалари ва ўқув марказларида таълим олиб кел-ган ва тайёргарликдан ўтган.

Шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда уюшган ва уюшма-

ган ёшлар, 11-синф ўқувчилари ишти-рокида ҳарбий қисм ва дала-ўқув май-донларида жанговар тайёргарлик маш-ғулотлари, ҳарбий техникаларнинг кўргазмали намоиши ҳамда ҳарбий-ларнинг бир кунлик ҳаёти билан та-ништириш ва “Ватанпарварлик карво-ни” тадбирлари ташкил этилган.

Йиғилишда кўмита аъзоларининг Хоразм вилоятидаги ҳарбий қисмлар ва мудофаа ишлари бошқармасида тегиш-ли Қонун ижроси бўйича ўтказган ўрга-ниш натижалари кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, ўрганиш даво-мида контракт бўйича ҳарбий хизмат-га кириш ва ҳарбий хизматни ўташ учун саралаш босқичларини бюрократ-тик тўсиқлар ҳамда бошқа жиддий қонунобузарликларсиз ўтказишга қа-ратилган механизмлар жорий этилган. Вилоятда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, яшаш ва хизмат вази-фасини ўташи учун зарур шароит яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратил-ган. Масалан, ҳарбий хизматчилар учун 40 хонадонга мўлжалланган янги

кўп қаватли уй-жой қурилмокда. Уй-сиз ҳарбий хизматчиларга уй-жой ижа-раси учун компенсация пули тўлаб берилляпти.

Муҳокама давомида шу каби ижо-бий ишлар қаторида, Қонун ижроси са-марадорлигига салбий таъсир кўрса-таётган масалалар борлиги ҳам айтиб ўтилди. Хусусан, 49093-ҳарбий қисмда таъмирлаш ишлари чўзилиб кетгани боис машғулотлар натижаси пастлиги-ча қолмокда. Қолаверса, вилоят ҳар-бий қисмлари ва мудофаа ишлари бошқармаси ҳамда унинг туман (шаҳар) бўлимларида ҳарбий хизматчилар ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, қурилиш-таъмирлаш, шунингдек, озик-овқат хиз-мати фаолияти, ҳарбий хизматчилар-нинг кийим-кечак ва пул таъминоти бил-лан боғлиқ қонунобузлиш ҳолатларига ва яна қатор камчиликларга йўл қўйилган.

Йиғилишда шулардан келиб чиққан ҳолда, Сенат кўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

БУ ЙИЛГИ НАТИЖАЛАР ВА КЕЛГУСИ ЙИЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ЮЗАСИДАН ҲОКИМЛАР АҲОЛИГА МУРОЖААТЛАР ЙЎЛЛАМОҚДА

Шу кунларда бўлиб ўтаётган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида ҳудудлар ҳокимлари аҳолига мурожаат қилиб, якунига етаётган йилда амалга оширилган ишлар, натижалар ҳамда келгуси йилдаги устувор вазифалар юзасидан маълумот бермокда.

Маҳаллий Кенгашларда

Хусусан, Сирдарё вилояти ҳоки-ми Ғофуржон Мирзаев ўз мурожа-тида мураккаб пандемия шароити-да ҳам ҳудудда барча кўрсаткичлар бўйича ижобий натижаларга эришилганигини таъкидлади.

Масалан, аҳоли бандлигини таъ-минлаш борасида сезиларли ўсиш-га эришилди. Яъни йил давомида 35 минг 542 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлди. Биргина иж-тимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида саноат, хизмат кўрсатиш ва сервис, қишлоқ ҳўжа-лиги йўналишларида бажарилган лойиҳалар тўғайли яратилган иш ўринлари ҳажми ўтган йилдагига нисбатан қарийб уч баробарга ошди.

Бу даврда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2,1 трилли-он сўмга, экспорт микдори эса 57 миллион долларга етди. Айни чоғда экспорт реҳаси 120 фоизга бажарилиши кутилмокда.

Яқунланаётган йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияни жалб қилиш, чет эллик ҳамкорлар билан савдо алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида вилоят вакилларидан иборат делегациялар хориж давлат-ларида бўлди. Натижада Тожикис-тон, Қозғистон ва Россиядаги ҳам-корлар билан жами 401 миллион долларлик келишувларга эришилди ва тузилган шартномалар бўйича ишлар бошлаб юборилди.

Мурожаатда йил якунида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 14 триллион сўм ёки 114,8 фоизни ташкил этиши кутилаётгани, аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот 16,8 миллион сўм бўлганлиги ҳам алоҳида келтириб ўтилди.

“Сирдарё” эркин иқтисодий зона-си вилоятнинг ийрик саноат ҳудудига айланди. Жорий йилда мазкур ЗИЗда қиймати 24,9 миллион долларлик 4, “йўл хариталари”га киритилган 115 мингга яқин муаммо ва так-лифларнинг қарийб 80 фоизи ижо-бий ҳал этилди. Фуқароларнинг банд-лигини таъминлаш, тадбиркорлиқни йўлга қўйиш учун бўш турган бино, ер майдонлари ва имтиёзли кредит-лар ажратиш, касб-ҳунар ва тадбир-корликка ўқитиш ҳамда коммуни-кация таъминоти билан боғлиқ маса-лалар ана шулар жумласидандир.

Инвестиция дастурига мувофиқ, январь — ноябрь ойларида 3,2 трил-лион сўмлик 889 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди ва 13 минг 133 та янги иш ўрни яратилди. “Қўқон” эр-кин иқтисодий зонасида қиймати 1,8 триллион сўм бўлган 55 та ин-вестиция лойиҳаси фойдаланишга топширилди. Шаҳар ва туманларда 751,7 гектар майдонда ташкил этил-ган 90 та кичик саноат ва ёшлар тадбиркорлик саноат зоналарига жойлаштирилган 732 та лойиҳанинг 110 таси ўз фаолиятини бошлаб, жорий йилнинг 11 ойида 603 мил-

лиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

— Бугун ҳудудда барча соҳада қувонарли ютуқларга эришилмокда, — деди вилоят раҳбари. — Аммо эндиликда рақамлар кетидан қувиш эмас, амалий натижа учун ишлаш вақти келди. Айнан шу мақсаддан келиб чиқиб, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсади-да 2022 йил учун мўлжалланган “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Бу бора-даги энг асосий вазифа — маҳал-лабай ишлаш орқали камбағаллик-ни ва ишсизлиқни қисқартириш, бар-ча маҳаллага тайинланган ҳоким ёрдамчиларига ҳар томонлама кўмаклашиш орқали маҳаллаларни комплекс ривожлантиришдан иборат.

Ҳоким 2022 йилда вилоятда қури-лиш материаллари ва енгил саноат тармоқлари “драйвер” соҳага ай-ланттирилишини ҳам маълум қилди. Ўзбекистон тумани ва Қувасой шаҳри қурилиш материаллари саноатига ик-тисослаштирилиб, қурилиш саноати кластерлари ташкил этилади. Енгил саноат йўналишида қиймати 2,1 трил-лион сўмлик 100 та лойиҳа амалга оширилади ва 1,1 триллион сўмлик қўшмача ишлаб чиқариш қувватлари яратилади. Нефть ва нефть-химё, электротехника, чарм-пойабзал ва озик-овқат саноатини ривожлантириш-га ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Мурожаатда тадбиркорлар билан ишлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида 2022 йил — “Фаргона тажрибаси” йилли сифа-тида устувор вазифалар белгилан-гани ҳам алоҳида келтириб ўтилди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

КЛАСТЕР ТИЗИМИ — МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

Яқинда “Халқ сўзи” газетасида чоп этилган “Кластер — деҳқон косасини оқартирадиган тизим” мақоласини зўр ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Аввало, шуни айтмоқчиманки, бундай таҳлилий, дардли ва бугунги кундан шукроналик ҳисси руҳидаги фикрларни дадил ҳамда тўлақонли ёритиш учун нафакат ўткир қалам соҳиби, балки ўта журъатли ва ачиқ бўлса-да, ҳақиқатни айтишдан чўчимайдиган, замон билан ҳамнафас иждоқор бўлиш лозим.

Муносабат

Дарҳақиқат, ота-боболаримиз пах-та етиштириш билан узок даврдан буюн шуғулланиб келган. Бироқ шун-дай даврлар бўлдики, халқимиз он-гига “оқ олтин” деб сингдирилган ва барча сазй-ҳаракатлар шунга қа-ратилиб, ҳаттоки, “пахта билан туғи-ласан, пахта билан қабрга кирасан” деган ибора барчанинг шиориға ай-ланганди. Турли лавозимларда узок муддат фаолият кўрсатган инсон си-фатида мутолаа жараёнида мақолада қайд этилган ҳолатлар бирма-бир кўз ўнгимдан ўтди. Айрим воқеаларни эслаб кўзим ёшлаган бўлса, сўнгги 5-6 йилдаги тўб ўзгаришлардан шук-роналик ҳиссини туйдим.

Ўзимдан қиёс: отам раҳматли узок йиллар пахтачилик бригадирини бўлиб ишлаган. Қаҳрамонликдан ташқари, барча орден ва медалларга муносиб қурилган. Шундай бўлса-да, кечаю кундуз тиним билмай ҳалол меҳнат қилиб, умри далада ўтди, йиллар да-вомида режани ошириб бажарди, аммо меҳнатига яраша бойиб кет-мади. Кечагидай кўз ўнгимда: қўл ости-тидаги ишчилар турмуши яхши бўлмаётганидан қайгуриши, имкони борича уларга ёрдам беришга инти-либ яшаши...

Чунки ўша даврда даромадга эмас, балки “план”ни бажаришга эътибор қаратиларди. Нимасини айтасиз, де-кабрь ойининг охирида далада пахта

қолмаган бўлса-да, хашарчи-ўқувчи-лар даладан чиқарилмагани ҳам айни ҳақиқат. Узим ҳам кўп қатори тала-баллик даврда 3-4 ойдаб пахта терганман.

Бир воқеани яхши эслайман. Қай-сидир таълим муассасаси директори барча ўқувчиларни пахта теримига жалб этмагани учун катта мансаб-дорлардан бири йиғилишда уни қаттиқ танқид қилиб, камчилигини топиб жа-воблари қилишни буоради. Қарангки, бечора ўқитувчи шу куни ўқувчилари-га ош тарқатиб, қўнглини кўтарган, аммо ўзи далада жон беради...

Афсуски, бундай мисоллар кам эмас.

Мажбурий меҳнат махсули бўлган ўзбек пахтасининг халқаро бозорда сотилишига “бойкот” эълон қилина-ни ҳам бор гап. Минг шукри, 2016 йилдан Ўзбекистонда болалар меҳнатидан фойдаланишга умуман барҳам берилди.

Ёки “ўзбеклар иши”, “пахта иши” каби “катта ўйин”лар билан кўпчи-ликнинг қон-қақшатилгани халқимиз эсидан чиққани йўқ. Унинг оқибатида қимдир отасидан, қимдир фарзанди-дан жудо бўлди, қимлардир эса бой-ликка эга қилди.

Буларни яна эслаб ўтаётганимиз бежиз эмас: бугунги кунларнинг кад-рига етиш учун ҳам ўша мудҳиш

даврларни унутмаслик керак.

“Кластер — деҳқон косасини оқарти-радиган тизим” мақоласининг таъсир қучи ҳам шунда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳалар қатори қишлоқ ҳўжа-лигида ҳам тўб ислохотлар амалга оширилди. Эндиги асосий мақсад — ердан самарали фойдаланиш ва да-ромад олиш. Одий айтганда, деҳқон косасининг оқариши.

Шу маънода, давлат раҳбарининг ташаббуси билан гафличалар ва пах-тачиликда кластер усулида иш таш-кил этилгани тезда ўз самарасини бера бошлади. Бир мисол, аввалла-ри маҳсулот ишлаб чиқарувчи бўлган фермер ҳўжаликлари нефть маҳсулот-лари, ўғит, техника ва зарур кредит-ларни олишда сарсон-саргардон бўлганини ҳаммамиз яхши биламиз. Эндиликда булар тўлиғича кластер мутасаддилари томонидан ҳал этиляпти. Тўғрида, фермер даладаги экинларини парваришлаб, вақтида экиб, чопиқ қилиб сугорсинми ёки таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи таш-килотлар эшигига қуни ўтсинми? Боз устига, товар маҳсулоти тайёр бўлган-да уни қабул қилиб олувчи тайёрлов ташкилотли ходимлари “пахтангизнинг намлиги юқори экан”, “ифлослиги нормадан ортиқ”, “буғдой ичида ар-

паси бор экан” деб иддао қилар эди. Бугун эса, тайёр маҳсулотни сотиш-ни ҳам кластер ўз зиммасига олди. Қолаверса, пахта ҳосилдорлиги ҳам кескин кўпайди, бир вақтлар Минг-булок туманининг шўр босган ерла-ри ҳосилдорлиги 12 — 15 центнер бўлган бўлса, ҳозир чўл ҳудудларда-ги майдонлардан ҳам 35 — 40 цент-нердан ҳосил олинмокда, асосийси, даромад ҳам меҳнатга яраша бўляпти.

Яқинда “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорлик-ни ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон ҳўжалик-ларининг улушини ошириш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги Президент қарори эълон қилинди. Бу муҳим ҳўж-жат билан богдорчилик-узумчилик ва сабзавотчилик тармоқларида кластер

тизимини жорий этиш кўзда тутил-ган. Янги тизим бу соҳада ҳам яхши самара бериши, шубҳасиз. Чунки мева-сабзавотлар тез бўзиладиган, вақтида истеъмолчига етказилмаган тақдирда, деҳқон чўв тушади.

Эсимда, бир вақтлар “юқори”дан эртанги қарамни кўп екиш топшири-ги бўлганди. Кейин катта майдонларга қарам экилди, афсуски, уни ўз вақ-тида қабул қилиб оладиган тайёрлов идораси бўлмагани, маҳсулотни қайта ишловчи қорхоналар етарли эмас-лиги боис тонна-тона маҳсулот пай-калларда қолиб чириб кетганди...

Эндиликда кластер тизимини жо-рий этиш билан бундай муаммолар ҳал бўлишига ишонаман. Кластер деҳқонга кенг имконият беради, тех-ника, ёнилғи, ўғит, ўсимликлар ҳимоя-си воситалари ва ишончли кредит бил-лан таъминлайди. Маҳсулот тайёр-лаш бўйича талаб ва тақлиддан, экспорт ва қайта ишлаш қорхонала-ри қуввати ҳажмларидан келиб чиқиб шартномалар тузилади.

Шу ўринда жамият ҳаётига кла-стер усули тезкор кириб келаятгани ва унинг самараси ҳар бир соҳада намоён бўлаётганилигини эътиборга олиб унинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқли-гини айтиш жоиздир.

Икромхон НАЖМИДДИНОВ,
Наманган вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлов
бошқармаси бошлигининг ўринбосари,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

CNN: АНЪАНАВИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ УЙҒУНЛИК ТОШКЕНТИ СЕРҚАТНОВ САЙЁҲЛИК МАСКАНИГА АЙЛАНТИРМОҚДА



GENERATION NEXT
Tashkent: Surprising street food and underground art in Uzbekistan's capital

Бироқ Ўзбекистон пойтахти ўсишда да-вом этар экан, у хорижий сай-ёҳлар учун муҳим маъзилга ай-ланиб бормокда”, деб ёзади муаллиф.

У кенгайиб бораётган пой-тахт қўчаларининг озодлиги, анъанави ва замонавий меъ-морчиликнинг уйғунлиги ҳамда Тошкент метросининг бетакорр ғўзаллигини алоҳида қайд этган.

“Метро бекатлари шаҳарнинг куллималар, аммо сайёҳлар учун бетакорр ғўзал диққатга сазо-вор жойларидир, — дейилди мақолада. — Бугун дунёда ер ости транспорт бекатлари, би-ринчи навбатда, йўловчи таш-илладиган жой бўлиб, улар кам-дан-кам ҳолларда безатилди. Марказий Осиёдаги илк ер ости бекатлари Тошкентда қурилган. Ўзбекистон пойтахтининг мет-ро бекатлари ўтган асрнинг 70-йиллари охирида фойдала-нишга топширилган. Тошкент метро бекатлари худди санъат галерияларига ўхшайди. Бадий асарлар, фрескалар ва мозаи-калар мамлакат маданияти ҳамда унинг машҳур аждоҳла-рини улуғлайди”.

Ўзбек миллий ошқонаси хл-маҳиллиги ва ўзига хослиги бил-лан америкалик журналистда катта таассурот қолдирган. Ай-

ниқса, шохона таом — палов билан боғлиқ бўлган маданият ва анъаналарга тўқталар экан, Том Бушье-Хейс пойтахт “Ош маркази”да уни татиб қўришга муассар бўлгани ҳақида мақо-лада алоҳида таъкидлайди.

Шу билан бирга, Тошкент бозорларининг тўқин-сочинлиги, хусусан, “Чорсу” бозори тари-хийлиги билан ҳам бошқа бозорлардан ажралиб туриши муаллиф эътиборини ўзига тортган.

“Янги савдо марказлари ва осмонўпар бинолар орасида бир вақтлар шаҳар қай қўри-нишда бўлганига эслатмалар бор, — деб ёзади у. — Шаҳар-да масжид ва мадрасалар ҳам кўп. Ҳазрати Имом мажмуаси-да Қўрьончи қарининг энг қадим-ий нуҳаси — Ҳазрати Усмон Мусқафй сақланмокда. Ўзе-бекистон дунёвий давлат бўлса-да, мамлакат аҳолисининг 80 фоизга яқини ислом динига эътиқод қилади”.

Мақола якунида Том Бушье-Хейс хориқлик саёатчиларнинг мутлақо янги гуруҳи учун анъ-анавий ва замонавий уйғунлик Тошкентни тез орада серқат-нов сайёҳлик масканига ай-лантириши мумкинлигини таъкидлаган.

Дунё АА.

Вашингтон

«REWired — 2021» ХАЛҚАРО САММИТИ ФИКР ВА ТАЖРИБА АЛМАШИШ ИМКОНЯТИНИ БЕРДИ

Халқ таълими соҳасида халқаро тажрибани ўрганиш мақсадида Инновация, технология ва стратегия маркази делегацияси Дубай шаҳридаги “Rewired — 2021” таълим саммитида қатнашди.

Саммит “Dubai Cares”, “Ехро-2020 Dubai”, BAA Ташқи ишлар ва халқаро ҳамкорлик вазирлиги ва глобал манфаат-дор томонлар билан ҳамкорлик-да ўтказилган бўлиб, унда ёшлар, қўнқималар ва касблар келажаги, таълимдаги инно-вация, таълимни молиялашти-риш каби долзарб йўналишлар-га эътибор қаратилди ҳамда ушбу мавзуларда тақдимотлар, муҳокама сессиялари ташкил этилди.

Саммитнинг илк кунида ёшларни хавфсиз касблар, яъни инглиз тилида айтганда “green jobs”га тайёрлаш бўйича тавсиялар берилди. Ёшлар то-монидан яратилган инноваци-ялар пандемиядан кейинги фав-ровон ҳаётнинг вектори бўли-ши мумкинми, деган савол қўйилди. Турли соҳа ҳамда БМТ вакиллари COVID-19 билан бо-ғлиқ вазиятдан кейин ёшларни таълим тизимини яхшилашга жалб қилишнинг инновацион йўллари билан бўлишишди.

Иккинчи кун давомида инк-

люзив мактаблар, яъни “Child Friendly Schools” бўйича тақди-мот ўтказилди.

Шу билан бирга, ИТСМ Бош директори Абдулвали Хайдаров бошчилигидаги делегация аъзо-лари ЮНЕСКО Бош директо-рининг таълим бўйича масла-ҳатчиси Стефания Жанинин бил-лан учрашди. Сўхбат давомида икки томон ҳамкорлик истиқбол-ларини муҳокама қилди.

Учинчи кун эса порлоқ кела-жакка замин яратувчи таълим тизимидagi ислохотлар ҳамда уларни молиялаштириш маса-лалари муҳокама қилди.

“Rewired — 2021” халқаро саммити бу йил илк бор уюштирилган бўлиб, саммит доирасида таълим соҳасида фаолият олиб боровчи дунёнинг етакчи ташкилотлари вакилла-ри, халқаро экспертлар ўзаро алоқа ўрнатиш, фикр ва тажри-ба алмаштириш имкониятига эга бўдилар.

Файзулло ЯҲЁЕВ,
ЎЗА мухбири.

УЧ ХАЛҚА:



Ушбу мақсадлар йўлида олий таълим муассасалари ҳам маҳаллий, минтақавий ва миллий ривожланиш ёки стратегик мақсадларга ижобий таъсир кўрсатадиган, иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлайдиган тадқиқотлар ҳамда маҳсулотларни тақдим этишда муҳим роль ўйнайди. Олий ўқув юр்தларининг инновация ва тадбиркорлик тизимидаги иштирокини мувофиқлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларида университетларни яратилаётган инкубаторлар, акселераторлик марказлари профессор-ўқитувчиларга, ходимларга ёки талабаларга стартапларни яратиш, ўзлари учун зарур бўлган маблағни таъминлаш, тижорий маҳсулотларни бозорга олиб чиқиш учун зарур бўлган хизмат кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз таъкидлаганидек, "...**илмий ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш билан иқтисодиётга, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни жадал жорий этиш Ўзбекистон Республикасининг жадал ривожлантиришиш муҳим шартидир**".

Ўзбекистонда замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш барча соҳада тез ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашга, мамлакатимиз жаҳон иқтисодиётининг ривожланган давлатлари қаторига қўшилишига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг Фармони би-

лантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижросини изчил таъминлаш мақсадида Президентимизнинг 2018 йил 21 сентябрдаги Фармони билан 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси тасдиқланди.

Мазкур Стратегиянинг бош мақсади — мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгилловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш этиб белгиланди.

Мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими

Маълумотларга кўра, жаҳон микёсида 2017 йилда 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар ва ўспирин ёшларнинг 262 миллиони мактабларга қамраб олинмаган. Ҳозирги тенденцияларга асосланиб, бу рақамлар 2030 йилга келиб атиги 225 миллионгача камайиши мумкин.

Таълимга йиллик ҳажатлар дунё бўйича 4,7 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Улардан 3 триллион АҚШ доллари (жами микдорнинг 65 фоизи) юқори даромадли мамлакатлар, 22 миллиард АҚШ доллари (жами микдорнинг 0,5 фоизи) кам даромадли мамлакатлар ҳисобига тўри келади (гарчи ихка-ла гуруҳда ҳам мактаб ёшига етган болалар сони тенг бўлса ҳам).

лиятни ташкил қилиш ва бошқариш бўйича билим ҳамда кўникмаларга эга мутахассислар етарли эмас. Ҳозирги кунда иқтисодий тармоқлар ва ижтимоий соҳаларнинг технологик ривожланишини таъминлайдиган, инновацион тадбиркорликни кенгайтириш учун замонавий кадрлар тайёрлаш бўйича ўқув майдонлари ҳамда ўқув муассасаларини ташкил этиш лозим.

Асосий муаммолардан бири — тадқиқотларни молиялаштиришнинг паст даражаси сақланиб қолаётгани. Илмий-инновацион фаолиятни ривожлантириш учун ажратилган маблағлар иқтисодиётнинг хозирги ҳолатига мос келмайди, уларнинг асосий қисми иш ҳақи тўлашга йўналтирилади. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда фанга ажратилган маблағлар ЯИМнинг 0,2 фоизини ташкил этади. Дунё кўрсаткичи эса ўрта ҳисобда 1,7 фоизни ташкил этади.

Жорий йилнинг 16 июнида давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган таълимни ривожлантиришга бағишланган видео-селектор йиғилишида тегишли соҳалардаги тармоқлар, вазирликлар, корхоналар ва илмий ташкилотлар ўртасидаги алоқалар бирлаштирилмаганлиги таъкидланди. Бу маҳаллий илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда тўсиқ бўлмоқда, ишлаб чиқариш корхоналарининг технологик қарамлигини оширмоқда (чунки улар чет элдан тайёр ускуналар сотиб олишга мажбур).



лан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани тараққий эттиришнинг устувор йўналишлари қаторида таълим ва фанни раванқ топтириш ҳам белгиланган. Шу билан бирга, тадқиқот ва инновацияларни рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, илмий ва экспериментал иxtисослаштирилган лабораториялар, юқори технологик марказлар, олий ўқув юр்தлари ва илмий-тадқиқот институтлари қошида технопаркларни яратиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида мамлакатни жадал ривожлантириш, шунингдек, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривож-

Бу рақамлардан кўринадики, болаларни замонавий таълимга қамраб олиш ҳалигача долзарблмгича қолмоқда.

Қўллаб ривожланаётган мамлакатларда малакали ишчи кучининг етишмаслиги, олий маълумот сифати ва қамровининг камлиги ишсизликнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса ҳукумат даражасидаги муаммога айланмоқда.

Хар бир мамлакатнинг илмий салоҳияти олимлар сонига қараб белгиланади. Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 1 миллион кишига 476 нафар олим тўри келади. Дунё бўйича бу кўрсаткич — 1 минг 478 нафар. Исроилда 1 миллион кишига 8 минг 342, Корея Республикасида — 7 минг 498, АҚШда — 4 минг 245, Россияда 2 минг 822 нафар олим тўри келади.

Демак, Ўзбекистонда инновацион фо-

ўрта бизнес ва инновацион тадбиркорликни раванқ топтириш энг муҳим механизм бўлиши керак. Акс ҳолда, илм-фанга сарфланган маблағлар ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. **Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ишланмаларни жорий этиш ва уларни фандан амалиётга ўтказиш механизмини кучайтириш зарур.** Бунинг учун мақсадли технологик платформаларни амалга ошириш, технопарклар, санаот корхоналари, инновацион марказлар, илмий-тадқиқот муассасаларида лойиҳалаш ва тадқиқот бўлимлари ишини кучайтириш талаб этилади.

Илгор технологик йўналишларни ҳисобга олган ҳолда, университет фанларини тақомиллаштириш, илмий муассасалар билан алоқаларни ўрнатиш жоиз. Қолаверса, университет фанлари технологик

базасини модернизация қилиш талаб этилади. Айни чоғда ушбу йўналишда аниқ чора-тадбирлар сув билан ҳаводек зарур. Асосий истиқболли йўналишларни қамраб оладиган илмий-тадқиқот муассасалари тармоғини кенгайтириш лозим. Шунингдек, университетлар илмий-тадқиқот институтлари билан бирлашиши ва шу асосда **инновацион кластерларни** шакллантириши зарур.

Шундай қилиб, илмий муассасалар, университетлар таркибиде илмий ва инновацион кластерлар, инновацион марказлар, бизнес ва стартап тезлатгичлари яратилиши керак. Сифатли, харидорғир, рақобатбардош ва арзон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш учун хусусий секторни илмий-тадқиқот ва таҳриба-конструкторлик ишларига жалб қилиш зарур. Ушбу йўналишдаги ишларни кенгайтириш мақсадида хусусий сектор ва санаот институтлари томонидан илмий лойиҳаларни тенг шериклик шартларида молиялаштириш амалиёти жорий этилмоқда.

Ҳозирги тезкор замон ҳар қандай соҳани инновацион ғоялар ва технологиялар асосида ривожлантириши, жаҳон илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу, мамлакат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини изчил, барқарор тараққий эттириш, муносиб келажақни барпо этишнинг асосий мезонидир.

Баъзи мамлакатларда сунъий интеллектдан давлат бошқаруви, муҳофаа ва миллий хавфсизлик, санаот, таълим, туризм ва бизнес соҳаларида кенг фойдаланилмоқда. Сунъий интеллектни ривожлантириш ажборт технологиялари, нейробиология, генетика, биоинжиниринг, кибернетика, нанотехнология, биокимё ҳамда бошқа фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаолият тараққиётига беқийёс ҳисса қўшади.

Рақамли иқтисодиёт нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилайдди, балки ортқиқа харажатларни камайтиради. Энг муҳими, рақамли иқтисодиёт коррупцияни йўқ қилишнинг самарали омилдир.

Ўзбекистон илмий асосланган барқарор иқтисодиётни ривожлантиришга интиломоқда. Келгуси беш йил ичида юқоридаги йўналишларга алоҳида эътибор бериш инновацион экотизимни юксалтириш, одамларнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, энг муҳими, учинчи Ренессанс пойдевори-ни тиклашда мустаҳкам асос бўлади.

Иқтисодиётда таркибий ислохотларни мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш, рақобатни кучайтириш, айнақсқа, янги технологиялар кириб келадиган янги инвестицияларни жалб қилиш орқали давом эттириш жуда муҳимдир. Хорижий инвестициялар янги ташқи бозорларга чиқишга ҳам ёрдам беради.

Рақобат жамиятда янгилик ва модернизацияга талаб яратадиган асосий омил ҳисобланади. Структуравий ислохотлар уни кучайтиришга қаратилган бўлиши керак. Шу билан бирга, рақобатни ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик ҳамда унинг амалда бажарилиши кучайтирилиши лозим.

Форсайт технологиясидан фойдаланиш имкониятлари

Ҳозирги вақтда мамлакат ёки ҳудуднинг истиқболли йўналишларини аниқлаш

учун ноанъанавий технологиялар талаб этилади. Форсайт технологиялари — узоқ мuddатли истиқболда илмий, техник, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ёки экологик ривожланиш вариантларини аниқлашга қаратилган технологиядир.

Форсайт тадқиқотлари тизимли ёндашувга асосланган бўлиб, тизимнинг барча элементларини (мамлакат, санаот, иқтисодий тизим), ҳар бир элементнинг мақсади ва улар ичидаги ўзаро муносабатларни, шунингдек, уларнинг ташқи муҳит билан алоқаларини аниқлаш орқали ҳар томонлама ўрганишни назарда тутди. Тизимли ёндашув доирасида тадқиқот объектнинг кучли ва заиф томонлари, унинг дунё тизимидаги мавқеи аниқланади, ишланнинг ташқи ва ички шароитлари ўрганилади, шу асосда келажақда миллий устуворликлар ва ривожланишнинг стратегик йўналишлари белгиланади.

Башорат қилиш, технологияни баҳолаш, келажақда олиб бориладиган тадқиқотлар узоқ мuddатли тенденцияларни аниқлашга ва улар асосида қарор қабул қилишни мувофиқлаштиришга уринишдир. Форсайт барча манфаатдор томонларни — жамоат ташкилотлари, санаот корхоналари, илмий марказлар, нодавлат фондлар ва бошқаларни ўз ичига олган жараён ҳисобланади. Мақсади — келажақ ҳақида керакли тасавуруни яратиш ва унга эришиш стратегиясини белгиллашдир. Асосан, натижалар давлат қарорларини қабул қилишда иштирок этади (мисол сифатида, давлат маблағларининг устувор йўналишлари бўйича тадқиқотлар). Аммо шу билан бирга, башорат қилиш натижалари ишининг барча иштирокчиларига ўз стратегияларини ишлаб чиқиш ва тақомиллаштиришга ёрдам бериши мумкин.

Форсайтнинг асосий ғояси — 15 — 20 йил ичида дунё тараққиёти учун муҳим бўлган фан, техника, ижтимоий тузилмалар ва бошқаларни ривожлантириш йўналишларини аниқлашдир. Ушбу соҳаларда етакчи ўринларни эгаллаган мамлакатлар ёки корпорациялар жаҳон бозорлари ва сиёсий таъсир учун рақобатда сезиларли устулликка эга бўлади. Ривожланишни бошқариш нуктаи назаридан башорат қилиш 15 — 30 йилгача узоқ мuddатли инвестициялар тўғрисида қарор қабул қилиш учун асос яратди. Форсайт ривожланишнинг устувор йўналишларини аниқлаш технологияси сифатида, маблағларнинг "тарқалиб кетишига" тўқилиш қилади ва асосий йўналишлар бўйича технологик ютуқларни ташкил этишга эътибор қаратишга имкон беради.

Бугунги кунда кенг қўламли лойиҳалар билан тадқиқот олиб бориладиган прогнозлаштирувчи ташкилотларни тузиш маса-

Шундай қилиб, Форсайт усули — бу келажақдаги муаммоларни башорат қилишга эмас, балки қўтилган натижа қўрилишида мақсад қўйишга, ҳозирги ҳолатларни аниқлашга имкон берадиган воситалар тўплами. Бу — келажаққа таъсир қилиш элементларини ўз ичига олган фаол прогноздор.

Қолаверса, Форсайт ташқи муҳитга фаол таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ва келажақда зарур даражага эришиш учун ўз ҳолатини ўзгартириш қўбилиятига эга объектларни олдиндан билишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу хусусиятлар барча мураккаблик даражасидаги иқтисодий объектларга мос келади, чунки табиий объектлардан фарқли ўлароқ, улар мақсадга мувофиқ фаолият жараёнида яратилади ҳамда ноаниқлик ва хавф омилларига бўйсунди.

Шу сабабли, башорат қилиш технологиясини иқтисодий объектнинг келажақдаги ҳолатини олдиндан билиш воситаси, шунингдек, иқтисодий қўрсаткичларнинг истиқболдаги керакли қийматларига эришиш учун ҳозирги кунда мавжуд бўлган ресурсларни аниқлашга ёндашув, десак, хато бўлмайди.



лалари кўтарилмоқда. Олимларнинг фикрича, башорат технологиясига компаниянинг рақобатбардошлигини оширишга ҳисса қўиши мумкин бўлган фан ва технологияларнинг истиқболли йўналишларини баҳолаш воситаси сифатида қаралади. Қолаверса, деярли барча мамлакатнинг бизнес элитаси орасида прогнозлаштириш рақобатбардошлиқнинг энг муҳим омилига айланиб бораётгани таъкидланмоқда.

McKinsey институти томонидан олиб борилган тадқиқотлар шунчи кўрсатадики, XXII асрда Европада иш жойларининг 70 фоизи ва АҚШда 80 фоизга ақлий қўбилиятни талаб этади, чунки мураккаблик ҳамда интеграция бутун дунё бўйлаб замонавий бизнес ташкилотларининг одатий хусусиятларига айланиб бормоқда. Тадқиқотчи олим Чарлз Хенди таъкидлаганидек, билим ва "ноу-хау"ларни эгаллаш ва улардан фойдаланиш қўбилияти бу бойликнинг янги манбаидир. Ва албатта, билим ташкилотнинг имкониятларини бошқариш, интеллектуал бойликлар моддий нарсалардан устун туради.

Инновациялар нафақат техник харақтерга эга, балки инновационлик корхона фаолиятининг барча йўналишлари — маркетинг, молия, инсон ресурсларини бошқариш, умуман, менежмент ва бошқаларга тегишли бўлиши керак.

Шуни ҳам ёдда тутуш керакки, башорат технологияси — бу йўналишни тўғрилашни истисно қилмайдиган фаол прогнозлаш ҳамда корхонанинг динамика имкониятлари ва бозорнинг ўзгаришини доимий равишда қўзатиб боришдир. Бундан ташқари, башоратли дастурни ташкил қилиш ва амалга ошириш орқали компания ўзининг динамика қўбилиятини ривожлантиради ҳамда вақт ўтиши билан бундай қўбилиятнинг кучи ўсиб, стратегик ривожланиш учун янги уфқларни очди.

Шерзод МУСТАФАҚУЛОВ,
Қўқон университети ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Бурж

ЙИЛНИНГ ЭНГ УЗУН ТУНИ

21 декабрдан 22 декабрга ўтар кечаси йилнинг энг узун тунни ҳисобланади. Баъзи манбаларда бу тун Яндо кечаси ҳам дейилади. Бу ҳижрий-шамсий йил тақвими ҳисобига кўра, жадий ойи қиришсини аңглатади.

Кўп йиллик қўзатишларга қараганда, жадий ойида ҳарорат пасайиб, ёғингарчиликлар кўп бўлади. Чунки қиш чилласининг асосий қисми шу пайтга тўри келади. Минтақамизда ҳам ёғингарчиликнинг асосий қисми шу ойда бўлади. Бироқ айрим йиллари илқ келгани ҳам қўзатилган. Лекин қиш қишлигини қилгани маъқул. Чунки бу фасл об-ҳавоси келгуси йил учун жуда муҳим. Айниқса, бу даврдаги ёғингарчилик деҳқончилик баракасини, чорванинг озқувчиларини белгилаб беради. Зеро, ёмғир — барака, қор — ризқ, демакдир.

Мутахассислар, тажрибали деҳқонлар шу кунларда ёққан қор ғаллага қони фойда эканлигини айтадилар. Чунки у кузги бугўдги майсалари устини қоплаб, ҳақратон изгиринларидан асрайди. Қўлган келган эса қорлар эриб, экин томирига кўч беради. Шундор қилинган ерларда қор сувлари нам сақлаб, озқука вазифасини ўтайди. Энг муҳими, қишловчи зараркунандаларни йўқотайди. Чилла сувини, айниқса, бобгонлар ўзгача қадрлашади. Фурсат бўлди дегунча, улар дов-дархат ва тоқзорларга чилла сувини оқизиш пайида бўлади. Негаки, бу вақтда сувга қондирилган тоқзор ва боғлар ёзда сувни нисбатан кам талаб қилади, мўл ҳосил тўплайди. Шунинг учун ҳам халқимиз жадийни барака ойи сифатида ҳушхўдлик билан қўлиб олади.

Аслида, ҳар бир кўнингир, ҳар бир ой ҳамда фаслнинг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Лекин деҳқончилик баракасини белгилаб берадиган бу ой меҳнаткаш халқимиз даромадларининг ортқишига, бозор тўқиллиги ва фаровон турмуш рўёбига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

«Халқ сўзи».

КАТТА МАБЛАҒ САРФЛАБ БУХОРОДАГИ ҚАДИМИЙ КАРВОНСАРОЙНИ РЕСТАВРАЦИЯ ҚИЛГАН УСТА НИМАДАН ТАШВИШДА?

Қадимий Бухородаги мўъжаз устаконлардан бирига Фирдавс исмли бола қунора келиб, девордаги суратларни узоқ томоша қиларди. Бу ҳол ижод билан машғул миниатюрочи расом Давлат Тошевнинг эътиборини тортмай қолмади. Боланинг мусаввириқка қизиқишини пайқаб, унга бир қўти қалам совға қилди. Сўнг сурат чиздириб кўрди.

Мулоҳаза

— Ниҳоятда иқтидорли бола, — дейди бундан бир неча йил аввалги шу мўъжаз воқеани эсларкан Давлат Тошев. — Унга "Мактабдаги дарсларинг тугагач, ҳар кунги шу ерга келиб шуғулланишинг мумкин", дедим. Ҳозир Фирдавс 16 ёшда. Бу тиришқоқ, изланувчан шоғирдимдан шоним катта. У сабаб менда "Устоз — шоғирд" болалар амалий санъат марказини очиб фикри тўғилди.

Марказга Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан 2019 йилнинг 10 январь санаси билан гувоҳнома берилди. 2018 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятини янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Президент қарори эса хунарманд учун аини мuddао бўлди. Вилоят ва шаҳарнинг ўша пайтдаги раҳбарлари уни қўллаб-қувватлашди. Марказга XIX асрда бунёд этилган "Жўрабек" карвонсаройи бошлана сифатида ажратилди.

Лекин қадимий карвонсаройнинг ичига киришга юрак бетламасди. Йиллар да-

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1248. 28 151 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоcи келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқула олиш учун QR-қўднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Аввалги ҳолат. Ҳозирги ҳолат.

"болалар — бойлигим", деганди. Биз ҳам иқтидорли, аммо эътибордан четда қолган ўғил-қизларнинг салоҳиятини юзага чиқаришни мақсад қилганмиз. Эшитмай-диган, гапира олмайдиган, аммо истей-доди бор 8 нафар бола ҳам шоғирдларим қаторида мусаввириқни ўрганмоқда. Бундан ташқари, миниатюра санъатида чет элликларнинг ҳам қизиқиши катта. Жорий йилда Франциянинг Ансе университети-нинг уч талабаси марказимизга келиб, биздан сабоқ олиб кетди.

Дунёнинг 26 давлатида шахсий кўргазмаларини ўтказган мусаввир ҳар

бир асари устида кўнрт билан ишлайди. Мавзунини Умар Хайём, Алишер Навоий шеъриятидан олади, тасаввуфдан илҳомланади. Боз устига у қадимий усулда қоғоз тайёрлайди, китобларни реставрация қилади. Таъкидлашча, тасвирдаги ҳар бир нукта, нақш, барг, гулнинг ўз айтар сўзи бор. Шу боис юракдаги ҳис-туйғу, фикрларни жамлаб, қоғозга туширишга интилади.

Ана шундай ижод оғушидаги инсонни қўтилмаган ташвиш безовта қилаётганидан хабар топдик. Бу ўринда гап марказ жойлашган қадимий карвонсарой

ҳақида кетаётир. У ҳунармандга 30 йил мuddатга берилган эди. Аммо иккара маркази вақиллари Д. Тошевга уч томонлама шартнома тузиш, шунга мувофиқ, маданият мерос объектидан беш йил давомида бепул фойдаланиш, кейин эса иккара пули тўлаш лозимлигини айтишаётган экан.

— Биз марказда болаларга миллий ҳунармандчилик сир-асрорларини бепул ўргатишга, қадимий карвонсаройни асраб-авайлаш орқали сайёҳлик раванқига ҳисса қўшянимиз, — дейди кўйиниб мусаввир. — Бу юмушларни фойда қўриш учун қилаётганимиз йўқ, Чамаси, мавжуд қонунчиликда ҳам аңглашилмовчилик мавжуд. Чунки бу нафақат биз, балки маданият мерос объектларида фаолият кўрсатаётган қўллаб ҳунармандларни ташвишга қўяётган масалалар. Унинг ечими топилишдан умидвормиз.

Фикримизча, Давлат Тошев ҳақ. Ҳунарманд ўз ҳамёнидан қанчадан қанча маблағ сарфлаб, хароба ҳолга келган, йўқолиб кетиш даражасига тушган қадимий карвонсаройни реставрация қилса-ю, яна ундан иккара пули сўрашса, шу адолат-даними? Ахир қўнча Бухоронинг тор қўчаларини яёв кезган ҳар қандай киши ўз қўзи билан гувоҳ бўлади: таъмирталаб, қаровга муҳтож, нураб бораётган тарихий ёдгориқлар оз эмас. Шундай пайтда "Қошқийди, Давлат Тошевдек юртсевар, маънавиятли инсонлар қўнпайса", деган фикр қўнгилдан кенади.

Шундай экан, маданият мерос объектларини ўз ҳисобидан таъмирлаётган, қўз қорачиқидек асраб-авайлаётган, ёшларга ҳунар сирларини беиминнат ўргатаётган, халқ амалий санъатини дунёга танитаётган инсонларни қўллаб-қувватлаш, улар ташвишини еңгиллаштириш ҳаётий заруратдир!

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жи